



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Анкара, 25 октябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар Самадов хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Аниткабир ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Туркия Республикасининг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк хотирасига ҳурмат баҳо келтирди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Эсонбуга халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бекир Боздаг ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган.

Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги икки томон учун ҳам манфаатли. Мамлакатимизнинг бозори, тобора эркинлашаётган иқтисодиёти, қулай инвестициявий муҳити Туркияни қизиқтиради. Ўшбу мамлакатларнинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ хўжалиги ва туризм салоҳияти Ўзбекистонга фойда келтиради.

2016 йил ноябрда Президент Режеп Таййип Эрдоғоннинг мамлакатимизга ташрифи Туркия Ўзбекистон билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини намоён этди. Давлат раҳбарлари жорий йил 14 май кuni Пекинда ўтган «Бир макон, бир йўл» форуми, 10 сентябрь кuni Остона шаҳрида бўлган Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича саммити доирасида музокаралар ўтказди. Шунингдек, сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида учрашди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги ўзаро ташрифлар фаоллашди. Жорий йилнинг ўзида Туркия Республикаси Бош вазирини ўринбосари, ташқи ишлар вазирини, миллий мудофаа вазирини бошчилигидаги делегациялар Ўзбекистонда, мамлакатимиз Бош вазирини ўринбосарлари, мудофаа вазирини раҳбарлигидаги делегациялар Туркияда бўлди. Қатор қўшма тадбир ва форумлар ўтказилди. 25 май кuni пойтахтимизда бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси, 30 сентябрь Тошкентда ва 6 октябрь кунлари Истанбулда ўтган бизнес-форумларда ҳамкорлигини кўплаб истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан биридир. 2016 йилда ўзаро савдо ҳажми 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг тўққиз ойида товар айирбошлаш ҳажми 29 фоизга ошди. Мамлакатимизда Туркиянинг 500 га яқин фирма ва компанияси фаолият юритмоқда. Шу йилнинг ўзида юртимизда ўшбу мамлакат сармоясини иштирокида 20 дан ортиқ корхона ташкил этилди, 53 компаниянинг ваколатхоналари аккредитация қилинди.

Музокарада ўзаро ҳамкорликда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, ўшбу ташриф икки мамлакат вазирликлари ва идоралари, ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар ривожига янги суръат бахш этиши таъкидланди.

Икки мамлакатда харидорғир бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни етказиб бериш ва узоқ муддатли инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳажмини муттасил ошириб бориш ва диверсификация қилиш бўйича яқидил фикр билдирилди. Хусусан, Ўзбекистон кенг турдаги саноат маҳсулотлари, трансформаторлар, кабель ўтказгичлар ва бошқа электротехника товарлари, полимерлар, мис ва мис маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ип-калава, мева-сабзавот, қайта ишланган озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиши мумкин. Шу мақсадда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркия ҳукуматлараро комиссияси мажлисларини мунтазам йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, энг аввало, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида минерал

ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш рағбатлантирилади.

Энергетика ва фойдали қазилмалар, жумладан, қайта тикланадиган энергия, энергияни тежаш ва углеводородлар соҳаларида ҳамкорлик имкониятларини ўрганиш ҳамда тажриба алмашиш кўлаб-қувватланди.

Транспорт ва логистика масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатларимизни бир-бири билан боғлайдиган транспорт йўлакларини кенгайтириш савдо-иқтисодий алоқалар ривожига муҳим омил бўлиши қайд этилди. Икки мамлакат ҳудуди орқали ўтувчи халқаро транспорт йўлакларининг рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини ошириш мақсадида транзит тарифларини мақбуллаштириш ва преференциялар тақдим қилишга келишиб олинди.

Давлат раҳбарлари Самарқанд ва Истанбул шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри парвозларни йўлга қўйиш бўйича эришилган келишувни мамнуният билан қайд этиб, фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш, мунтазам парвозлар сонини ошириш ва янги парвозларни йўлга қўйиш тарафдори эканликларини таъкидладилар.

Ўзбекистон ҳам, Туркия ҳам туризм соҳасида улкан имкониятларга эга. Бу салоҳиятдан тўла фойдаланиш, сайёҳлар алмашинувиши ошириш улкан иқтисодий самара беради.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган Туркия Республикаси фуқаролари учун виза тартибини соддалаштиришга оид қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Қарор асосида тадбиркорлик ва сайёҳлик мақсадида Ўзбекистонга боришни истаган Туркия фуқаролари учун визалар тез ва осон тақдим этилади.

Соғлиқни сақлаш ва табиий таълим соҳаларида, етакчи тадқиқот марказлари ўртасида тажриба алмашиш ҳамда профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позициялари бир-бирига ўхшаш ёки яқиндир.

Президентлар минтақавий ва халқаро даражада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш истагида эканликларини таъкидлаб, кўп томонлама тузилмалар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга интилишларини билдирдилар.

Томонлар халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотикларнинг ноқонуний муомаласи, трансмиллий уюшган жиноятчилик, шунингдек, бошқа таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда икки томонлама ва кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

Ўрмон хўжалигини ривожлантириш, сув ресурсларини самарали бошқариш, тупроқ деградацияси ва чўлланишга қарши курашиш борасида тажриба алмашишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Фан, таълим, маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Туркия Ўзбекистонда буюк алломалар меросини ўрганиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга қаратилган ташаббуслар ва амалий ишларни юқори баҳоладилар. Самарқандда бунёд этилаётган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентда ташкил қилинаётган Ислон цивилизацияси маркази бу борада улкан аҳамият касб этади. Олимлар ва илмий марказлар ўртасидаги алоқалар, маънавий ва маданий меросни биргаликда ўрганишга қаратилган лойиҳалар халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлашга хисса қўшади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир 20 дан зиёд ҳужжат имзоланди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоғон давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини имзоладилар.

Шунингдек, савдо, саноат, банк-молия, инвестиция, туризм, юк ташиш, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, мудофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоғон музокаралар ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ўтаганини, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги узоқ истиқболли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасида давлат ташрифи давом этмоқда.

ШХТга АЪЗО ДАВЛАТЛАР ОЛИЙ СУДЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент шаҳрида 2017 йил 25 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг ўн иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Қозоғистон Республикаси Олий суди раиси К.Мами, Қирғизистон Республикаси Олий суди раиси А.Токбаева, Россия Федерацияси Олий суди раиси В.Лебедев, Тожикистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Шоҳиён, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Комилов, Хитой Халқ Республикаси Олий халқ суди раиси Ўринбосари Д.Ванхуа, Покистон Ислон Республикаси Олий суди катта судьяси Г.Аҳмад, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси В.Кумар, шунингдек, ШХТ Бош котиби Ўринбосари С.Имандосов ва ШХТ Минтақавий аксентеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Ўринбосари А.Мукашев иштирок этди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг қонун устуворлиги, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ўшбу соҳада тажриба алмашиш борасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга қаратилган қатор долзарб масалалар қўриб чиқилди. Хусусан, инвестицияларни ҳимоя қилишнинг институционал механизми, бу соҳадаги низоларни ҳал этишга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш масаласи атрофида муҳокама этилди.

Бундан ташқари, ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг жинсий ва фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари

тўғрисидаги фармонлари ижроси доирасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади.

Томонлар ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик, ўзаро англашув, ШХТ Хартияси, ШХТга аъзо давлатларнинг узоқ истиқболга мўлжалланган яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотини 2025 йилгача ривожлантириш Стратегиясига мурофиқ минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш тамойиллари асосида амалга оширилаётганини таъкидлади.

ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги биргаликдаги фаолиятни янада такомиллаштириш, адолат, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлашга хизмат қилиб, суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштириш учун муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

Йиғилиш якунлари бўйича ШХТга аъзо давлатлар суд ҳокимияти олий органлари ҳамкорлиги истиқболлари тўғрисида Қўшма баёнот имзоланди.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимига оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда, — деди Россия Федерацияси Олий суди раиси Вячеслав

Лебедев. — Мазкур ўзгаришлар соҳа фаолиятининг очиклигини таъминлаш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Мажлисда Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёни билан яқиндан танишдик, процессуал кодекслар лойиҳалари таҳлили юзасидан қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этади.

— ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг Ўзбекистон раислик қилган йиғилиши ҳар томонлама самарали бўлди, — деди Хитой Халқ Республикаси Олий халқ суди раиси Ўринбосари Ду Ванхуа. — Тадбирга юқори савияда тайёргарлик кўрилган, мажлис кун тартибидан ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётидаги долзарб масалалар ўрин олди. Бундай музокаралар ШХТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаш, халқаро майдонда ташкилот нуфузини муттасил ошириш бўйича тизимли ишларни давом эттиришда муҳим омил бўлади.

Йиғилиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Комилов Россия Федерацияси Олий суди раиси В.Лебедев билан учрашув ўтказди.

ТУРКИЯ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАШКИЛОТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси делегацияси Туркия Истеъмолчилар ҳуқуқлари ассоциацияси таълифига биноан ўшбу мамлакатда бўлди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва Туркия Истеъмолчилар ҳуқуқлари ассоциацияси вакиллари учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар ҳақида маълумот тақдим этилди, ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Тадбирда Туркия Истеъмолчилар ҳуқуқлари ассоциацияси раҳбари Т.Чакар ассоциация фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Ж.Саримсоқов мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмаётгани, 2014 йилда қабул қилинган «Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида»ги қонун давлат идоралари билан нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Музокара якунида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Мазкур ҳужжатда қўшма лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш, тажриба алмашиш мақсадида экспертлар ва делегациялар алмашиш, қўшма ишчи гуруҳи, мувофиқлаштириш ва маслаҳат кенгашлари тузиш, симпозиум ва семинарлар ўтказиш ва бошқа масалалар кўзда тутилган.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари, шунингдек, Туркия Истеъмолчилар ҳуқуқлари ассоциациясининг Анкара ва Истанбул шаҳарларидаги бўлиналари фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон ХДП: устувор вазибалар

НУРОНИЙЛАР

оилами бойлиги, файзи, фариштасидир. Уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш — долзарб масала



«Биз Ўзбекистон Халқ демократик партиясини танладик!»

Бугунги ёшлар ташаббускор, ҳаракатчан. Улар билан бунёдкор гоё, йирик лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Бугунги кунда кўплаб ёшлар Халқ демократик партиясига аъзо бўлиш истagini билдирапти. Дунёқараши кенг, мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган воқеалар, ўзгаришлар ҳақида ўз мустақил фикрига, нуқтаи назарига эга ёшлар улар.

ЁШ ПАРТИЯДОШЛАРИМИЗ САФИИ КЕНГАЙМОҚДА

— Одамлар қайси партия қайси гоёни илгари сураётгани, қандай амалий ҳаракатлар олиб бораётганига қараб, уларга қамро беради ва ўзига маъқул партияга аъзо бўлади, — дейди ЎзХДП Шўрчи туман кенгаши раиси Ботир Ражабов. — Партиямиз тарафдорлари сафини кенгайтириш, жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш учун ижтимоий ҳимоя масаласига эътиборни кучайтиряпмиз. Натижада ёшлар ҳисобига партиямиз сафи кенгайиб бормоқда. Ўтган йилнинг 9 ойида 100 нафарга яқин йигит-қиз партия аъзоллигига қабул қилинган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу рақам 150 га яқинлашди. Шундай қилиб, туманимизда сафдошларимиз сони 2 минг 520 нафарга етди. Уларнинг 1 минг 230 нафари ёки қарийб 50 фоизини ёшлар ташкил этади.

— Сиёсий жараёнларни, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни мунтазам кузатиб бораган, — дейди 1-умумтаълим мактабининг Ёшлар иттифоқи етакчиси Шавкат Иноятлов. — Сиёсий партиялар тадбирларида, лойиҳа ва форумларида мунтазам қатнашиб, бирор-бир партияни танлашга қарор қилдим. Битирувчиларни иш билан таъминлаш, бу борада турли меҳнат ярмаркалари ташкил этишда фаоллик кўрсатиб келаётган Ўзбекистон ХДП гоёлари, амалий ишлари менга маъқул келди. Партиянинг «Ёшлар муаммосини ўрганиш — давр талаби», «Ўзбекистонни ҳеч кимга бермаймиз», «Янги иш ўринлари — фаровонлик қафолати» мавзуларида ўтказилган тадбирларида фаол иштирок этдим.

Партиямиздан сайланган депутатлар ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларини ўрганиб, сессиялар, доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқмоқда. Бу партияга бўлган ишончмни янада ошириди. ЎзХДП Шўрчи туман кенгашига мурожаат қилдим. Менга партия дастурини бериши, у билан батафсил танишиб чиқдим. Гоёлари, мақсадлари менга маъқул бўлди. Яқинда бир гуруҳ йигит-қизлар қатори ЎзХДП аъзоллигига қабул қилиндим. Келажикда депутат бўлмоқчиман...

— Анчадан буюн шифохонамизда фаолият юритаётган ЎзХДП бошланғич ташкилот тадбирларида қатнашиб юрардим, — давом этади ҳамшира Нилуфар Абдумуродова. — Партиянинг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишиларга бераётган ёрдами, уларни қўллаб-қувватлаб келаётгани менга маъқул бўлди.

Парламентнинг куйи палатасида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари бу борада ҳаётий таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Масалан, фракция аъзоларининг ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш бўйича олиб борган ишлари, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қаратилган таклифлари кўпчиликка манзур бўляпти. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали доимий хабардор бўлиб турибмиз.

Шу боис партия фаолияти, гоёларига бўлган қизиқишим янада ортди ва унга аъзо бўлишга қарор қилдим. Менга аъзолик гувоҳномаси топширилган кун ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолади.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НУРОНИЙЛАР

оиламиз бойлиги, файзи, фариштасидир. Уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш — долзарб масала

Ҳаётимиз ва оиламизни пиру бадавлат ота-оналар, бобо-бувиларимиз тасаввур қила олмаймиз. Меҳр ва эътибор хонадонларимиз фариштаси бўлган нуронийларимизнинг умрига умр, кучига куч қўшади, уларга руҳий мадад бўлади.

«Қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш — кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим шартидир». Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган семинар шу мавзуга бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар партия кенгаши ва шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси масъуллари иштирок этди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улугбек Вафоев семинарнинг аҳамияти ҳамда мақсади хусусида тўхталиди.

— Партиямиз дастурида нуронийлар, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди у. — Шу асосда қатор лойиҳалар жорий этилган, депутатлик бирлашмалари ҳамда партия ташкилотлари ҳамкорлигида жойлардаги муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида партия гуруҳлари пенсионерлар ва ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 67 масалани ўрганди. 56 масала доимий комиссияларда муҳокама



механизмлари бўйича таклифлар тайёрланди.

— Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик яхши самара берапти, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим mudiri Боймурод Юсупов. — Партиямиз аъзолари ҳамда депутатлар жойларга чиқиб, аҳолининг турмуш тарзи билан яқиндан танишапти. Кўпни кўрган отахону онахонларнинг ҳаёт тажрибасидан самарали фойдаланиб, аҳоли орасида тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтиришимиз керак. Бу борада нуронийлар билан ҳамкорликда қатор ишларни олиб бораёмиз. Галдаги вазифа уларнинг қўламини янада кенгайтиришдан иборатдир.

этилиб, 25 таси сессияларда кўриб чиқилди.

Олдимизда турган вазифаларнинг қўламини нақадар кенг экани инобатга олинса, бу йўналишдаги ишларимизни янада такомиллаштириш, жойлардаги катта-кичик масалаларни чуқур ўрганиш зарурлигини англаш қийин эмас. Шунинг учун партиямиз «Нуроний» жамғармаси билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни эъозлаш, зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришда фаол қатнашиш, пенсионерларнинг ҳаёт даражасини яхшилашга тўсқ бўлаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш имконини яратди.

— Ижтимоий ҳимоя тушунчаси нафақат ижтимоий ёрдам ва нафақалар билан таъминлаш, балки ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини изчил ривожлантириш масаласини ҳам қамраб олади,

— деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев. — Бу ўз навбатида аҳолининг ҳар томонлама фаоллигини оширишга, жамият ҳаётида тўлақонли иштирокини қафолатлашга хизмат қилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, «Нуроний» жамғармаси билан ҳам меморандум имзоланди. Унга мувофиқ, фракциямиз ўз олдида қатор вазифалари белгилаб олди. Хусусан, фракциямиз соғлиқни сақлаш вазирлиги билан музокара ўтказиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, кексаларга ижтимоий кўмак бериш масалаларини муҳокама қилди.

Меморандумнинг яна бир жиҳати шундаки, фракциямиз ва жойлардаги депутатлик гуруҳлари, партия фаоллари учун янги йўналишларни белгилаб беради. Соҳага оид қонун ва қарорлар ижроси жамоатчилик ҳамда парламент назоратига олинади. Шунингдек, нуронийларга ёрдам кўрсатиш

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сўз — ЎзХДП фаолларига!

САЙЛОВ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИШИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Шу йилнинг 24 декабрь кун Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига ўтказиладиган сайловга Ўзбекистон ХДП томонидан қонунчиликда белгиланган талаблар асосида қизгин тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Табийки, бу сайловда ҳар бир сиёсий партия кўпроқ депутатлик ўринларини эгаллашни истади. Аҳолининг ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя этишни зиммасига олган партиямиз учун бу сайловда муваффақиятли қатнашиш муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда шаҳар партия кенгаши Ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сайловга тайёргарлик кўриш бўйича дастур қабул қилинди. Дастур доирасида қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шаҳар кенгаши ва туман партия ташкилотларида сайлов штаблари тузилди.

Оммавий ахборот воситаларида номзодларнинг сайловолди дастурини тарғибот ва ташвиқот қилиш, депутатликка номзодларнинг ҳужжатларини тайёрлаш, сайлов комиссиялари билан ишлаш, партиянинг ваколатли вакили, номзодларнинг ишончли вакиллари, кузатувчиларини тайёрлаш ва улар билан ишлаш гуруҳлари шакллантирилди. Партиямизнинг сайловда иштирок этиши учун тегишли ҳужжатлар сайлов участкаларига топширилди.

Ҳар бир округ бўйича депутатликка номзодлар ўз вақтида танлаб олинди. Бунда хотин-қизлар сони партиядан кўрсатилган номзодлар умумий сонининг 30 фоизини ташкил этишига алоҳида эътибор қаратилди. 20 октябрдан 9 ноябрга қадар туман кенгашиларнинг навбатдаги

пленумлари ўтказилиши белгиланди. Пленумларда ЎзХДП туман кенгашиларининг халқ депутатлари туман Кенгаши сайловда иштироки, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига номзодлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Сайловда муносиб номзодларнинг иштирок этиши юқори натижага эришишда муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам туман Кенгашидаги барча, яъни 330 та сайлов округига партиямиздан бир нафардан номзод кўрсатилди. Номзодлар таркибини шакллантиришда ЎзХДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларини мукамал биладиган, партиянинг сиёсий ҳаётидан яхши хабардор, тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этиб келаётганларга алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг таркибида намунали БПТ етакчилари, туман кенгаши раислари, партиямиз сафида узоқ йиллардан буюн фаоллик кўрсатиб келаётган аъзоларимиз ҳамда электрот вакиллари бор.

Депутатликка номзодларни танлаш масаласига янги ҳаётда янги ҳаётлар билан бири билан яқка тартибда суҳбат уюштирилиб, сиёсий-ҳуқуқий билимлари, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги тасаввур, шунингдек, партия Сайловолди дастуридан хабардорлиги, депутат сифатида қандай ташаббусларни илгари сурмоқчи эканлиги ўрганилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 12 июлда парламент аъзолари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган учрашувда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг фаолиятига алоҳида тўхталиб, Тошкент шаҳрида туман Кенгашларини ташкил этиш гоёсини илгари сурган эди. Бу сиёсий партияларга янги имконият беради, айни пайтда, уларнинг ислохотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади.

Замонавий шаҳарсозлик, ободонлаштириш ишлари туфайли Тошкент шаҳри кундан-кунга чирой очиб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланиб бормоқда. Кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Шунинг билан бирга, икки ярим миллионга яқин аҳоли истиқомат қилаётган пойтахтимизда ечимини кутаётган масалалар ҳам оз эмас. Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгаши ташкил этилишининг аҳамияти ва заруратини куйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, Президентимизнинг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларнинг энг катта қисми пойтахтимиз аҳолиси томонидан йўланмоқда.

Иккинчидан, ислохотларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ўрни ва масъулияти кучаяди, фуқароларнинг вакиллик органлари орқали давлат бошқаруви, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши таъминланади.

Учинчидан, туманлар ривожига қаратилган янги таклиф ва ташаббуслар илгари сурилади.

Тўртинчидан, маҳаллий бюджетларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ижросининг назорати таъминланади ҳамда сессияларда маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот ва ахборотлари тингланиб, муҳим қарорлар қабул қилинади.

Асосийси, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ўз вақтида ечим топади. Бундан биринчи навбатда Халқ демократик партияси электрот вакиллари манфаатдор бўлади.

Нилуфар ЮЛДАШЕВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
Мафкура ва тарғибот-ташвиқот
масалалари бўлими бошлиғи.

Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси вояга етмаганлар бўйича идоралараро комиссия билан ҳамкорликда «Таълим олиш ҳуқуқини қафолатлаш механизмларини такомиллаштириш» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда таълим олишнинг ҳуқуқий қафолатларига оид долзарб масалалар муҳокама этилди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ:

ота-оналар жавобгарлиги кучайтириладими?

Таъкидландики, ҳозирги кунда таълим соҳасида кенг қўламли ислохотлар олиб бориляпти. Жумладан, умумий ўрта таълим соҳасида 11 йиллик таълим тизими жорий этиляпти, касб-хунар таълими тизимини ривожлантиришнинг янги механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ташкил этилиб, тизимда давлат сектори билан бир қаторда хусусий секторнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

— Таълим тизимидаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш долзарб масала, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдулғаффор Қирғизбоев. — Жойларга чиққанмизда таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ислохотлар қўллаб-қувватланаётганлигига гувоҳ бўляпмиз.

Бироқ мажбурий таълимнинг белгиланган қондаларига риоя этмаслик, ота-оналарнинг ўз фарзандлари таълим-тарбиясига бефарқ қараши билан боғлиқ ҳолатлар кузатилмоқда. Айрим ота-оналар томонидан қонуний мажбуриятлар бажарилмагани кишини уйга толдиради. Бу масалада ота-оналар билан кўпроқ суҳбат уюштириш, тушунтириш, тарғибот ишларини кучайтиришимиз керак.

Давра суҳбатида қайд этилдики, назорат-таҳлил ишлари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари томонидан олиб борилган мониторинглар натижасида 2014-2016 йиллар давомида 50 мингга яқин ота-она ёки уларнинг ўрини босувчи шахслар болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бора-сида ўз мажбуриятларини бажармагани учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Шу боис қонун ҳужжатларида ота-оналар жавобгарлигини кучайтирувчи чоралар белгиланиши масаласи кенг жамоатчилик ва мутахассислар, давлат идоралари, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, тадбирда вояга етмаганлар ўртасида профратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги мажбуриятларини янада ошириш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўқувчиларнинг таълим олиш ҳуқуқини қафолатлаш механизмларини такомиллаштириш, айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ходимлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, «Нуроний» жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, туман, шаҳар халқ таълими бўлиmlари, васийлик ва ҳомилик кенгашлари аъзолари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси вакиллари, таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жорий йилнинг ўтган даврида партия гуруҳлари пенсионерлар ва ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 67 масалани ўрганди.

ОИЛА ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Жорий йилнинг 10-11 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Оила институти ва анъанавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёноти қабул қилингани замирида катта муаммоларга ечим топиш мақсади мужассам. Бугунги кунда оила институти ва оилавий қадриятлар масаласи МДҲ давлатлари кун тартибига қўйилаётгани бежиз эмас, албатта.

Дунёда глобаллашув жараёни бора бора чуқурлашиб бораётган бугунги шароитда, ривожланишнинг умумжаҳон тенденциялари барча мамлакатлар ва халқларнинг асрлар давомида шаклланиб келган анъана ва урф-одатларини четлаб ўтиб, уларнинг ҳаётига шиддат билан кириб бормоқда. Бу жараёнда оила ҳам четда қолмаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Маълумки, фарзандларни тарбия қилиш оиланинг энг асосий вазифаси саналади. Лекин оила ихтимоий институти жамият ривожланишига хос равишда ўзгариб боради. XX асрнинг охиридан бошлаб Фарбнинг деярли саноати ривожланган барча мамлакатларида оила шаклланишнинг янги моделига ўтиш бошланди. Биринчи марта никоҳдан ўтиш ёшнинг ошганлиги, расмий никоҳдан кўра, норасмий муносабатларга асосланган иттифоқнинг кенг тарқалганлиги бундай моделнинг асосий хусусияти саналади. Шунга ўхшаш ўзгаришлар собиқ иттифоқнинг Европа ҳудудига яқин жойлашган республикаларида ҳам содир бўла бошлади. Булар ҳозирги Болтиқбўйи республикалари, Россия, Украина ва Беларусь каби мамлакатлар бўлиб, уларда оила-никоҳ муносабатлари узоқ йиллар давомида нисбатан барқарорлиги ёки унчалик аҳамиятли бўлмаган ўзгаришлар билан характерланган. Лекин охириги йигирма йил давомида уларда ҳозирги Фарб мамлакатларида

кўзга ташланган тенденциялар жадал ривожланиб бормоқда. Собиқ иттифоқнинг Европа қисмида жойлашган давлатларнинг барчасида оила-никоҳ муносабатлари трансформацияси яққол намоён бўлмоқда. Никоҳнинг европача туридаги бундай ўзгаришлар умуман оиланинг қадри ва аҳамиятини маълум маънода пасайишига сабаб бўлмоқда. Ушбу глобал тенденциялар никоҳсиз туғилишлар кўрсаткичи ошишига олиб келмоқда. 2008 йилда Францияда дунёга келган жами болаларнинг 48%, Россияда 32% (90-йиллар бошида -10%), Литвада 29% (90-йиллар бошида -7%) никоҳсиз туғилган. Швеция, Норвегия, Эстонияда болаларнинг ярмидан кўпи никоҳсиз туғилади.

Фарб мамлакатларида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида, никоҳсиз қурилган иттифоққа хотиржам қарашлар шаклланиб бормоқда. Россияда бундай иттифоққа ижобий қарайдиган эркеклар 76,1%, аёллар 69,0%, Францияда эса 80 фоиздан ортиқни ташкил этади, респондентларнинг 7-12 фоизини муносабати салбий бўлиб, бундай никоҳни маъқулламайдилар.

Ҳозирги кунда дунёда ажримлар сони ҳам ортиб бормоқда. Масалан, АҚШда никоҳларнинг 40% бузилиб кетмоқда. Шимолий ва Фарбий Европада 70-йилларда ажримлар жуда кам учраган (45-49 ёшдагилар орасида 3%дан ошмаган). 2010-йилларнинг ўрталарига келиб, ушбу кўрсаткич

16%ни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич бўйича Россия кўп мамлакатлардан ошиб кетди. Бу ерда ажралишларнинг жамлама коэффицентини 0,50 га тенг бўлиб, бу Европадаги энг юқори кўрсаткич, деб қайд этилди.

Ажралишлар сонининг ортиши нафақат никоҳнинг мустақамлигига путур етганлигидан, балки оила институтининг ўзида ҳам салбий ўзгаришлар содир бўлаётганлигидан далолат беради. Эр-хотинлик кўп ҳолларда биргаликда яшашни кўзда тутувчи мустақам никоҳга асосланган иттифоқ бўлмай қолди. Ҳозирги кунда дунё бўйича ноқонуний никоҳлар ортиб бориши тўлиқ бўлмаган оилалар сони кўпайишига олиб келмоқда.

Анъанавий қадриятлар бутун инсоният учун бўлганидек ҳар бир давлат учун ҳам қадридлир. Чунки миллий қадриятлар жамият ва шахс манфаатларига жавоб беради. Халқимизнинг турмуш тарзи, маданияти, бағри кенглиги, фарзандларга ғамхўрлиги, бошқа динлар ҳамда миллатларга ҳурмати юксаклиги каби фазилатлари миллий урф-одатларимиз ҳисобланади. Маънавий ҳаётимизнинг яхлитлигини таъминлайдиган бундай бетакрор миллий қадриятларимиз фарзандларимиз баркамол инсон бўлиб вояга етишида асос бўлади.

Қадриятлар хулқ-атвори, миллийликни шакллантиради. Афсуски, ёшлар, айниқса, аёллар томонидан қонунбузарликлар, ҳатто оғир жиноятлар содир этилаётганининг асосий сабабларидан бири айнан оилавий қадриятларнинг пасайиб кетаётганидан далолат беради. Ҳолбуки, миллатнинг кучи, этноснинг яшаб қолиши, оила мустақамлигининг гарови айнан миллий қадриятлар ва маданий илдишларнинг мустақамлигига боғлиқдир.

Ҳафиза МАМАДАЛИЕВА,
Республика «Оила» илмий-амалий
Маркази раҳбари.

Жаҳон мамлакатлари парламентлари ва сиёсий партиялари

Сўнги пайтларда дунёнинг қатор мамлакатларида Президент ва парламент сайловлари бўлиб ўтмоқда. Бундай муҳим сиёсий жараёнлар жаҳон жамоатчилигининг эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Қуйида айрим давлатларда ўтказилган сайловлар ва уларнинг натижаларига эътибор қаратамиз.

ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИДА САЙЛОВЛАР

ГЕРМАНИЯда жорий йил 24 сентябрда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда Германиянинг Христиан-демократик иттифоқи ва Христиан-социал иттифоқи партиялари альянси 33 фоиз овоз тўплаб, ғолиб бўлди. Германия социал-демократик партияси 20,5 фоиз овоз билан 2-ўринни эгаллади. «Германия учун муқобил» партияси 12,6 фоиз овоз тўплаб, 3-натижа билан илк марта Бундестагга кирди. Бу ҳақда барча 299 сайлов округи бўйича овозлар ҳисоб-китоб қилингандан кейин маълум қилинган.

Яна 3 партия БУНДЕСТАГга кириш учун зарур бўлган 5% овозлик чегарадан ўтди. Жумладан, Озод демократик партия (10,7 фоиз), «Сўллар» (9,2 фоиз) ва «Яшиллар» (8,9 фоиз) партиялари Бундестагга кириш имкониятига эга бўлди.

Эслатиб ўтамиз, 2013 йили бўлиб ўтган сўнги парламент сайловларида ХДИ/ХСИ блоки 41,5 фоиз овоз олиб, Бундестагга 309 ўринни банд этган эди. Улар ГСДП билан коалиция ташкил этиб, умумий ҳисобда 502 мандатга эга бўлганди.

Канцлерни сайлаш учун эса депутатларнинг кўпчилиги овозини кўлга киритиш кифоя.

АВСТРИЯда 15 октябрь куни навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказилди. Австрия социал-демократик партияси мамлакат парламенти учун навбатдан ташқари сайлов натижасига кўра, Озодлик партиясидан ўзиб кетди. Овоз бериш бюллетенлари санаб бўлингандан сўнг, мазкур партия 26,9 фоиз сайловчиларнинг ишончини қозонгани маълум бўлди.

Сўнги натижаларга кўра, аввалги сайловда иккинчи ўринни

олган ўнг партия 26 фоиз овоз тўплаб олган. Австрия халқ партияси эса, 31,5 фоиз билан энг кўп овоз олган партия бўлиб қолмоқда. Парламентдан, шунингдек, NEOS ва «Петер Пильц рўйхати» партиялари ҳам 5,3 ҳамада 4,4 фоизлик овоз билан ўрин олган.

Шу билан етакчи консерваторлар парламентда 62 мандатга эга бўлади, социал-демократлар — 52, ўнглар — 51, «Янги Австрия» 10, «Пильц рўйхати» — 8 депутатлик ўрини эгаллайди.

Миллий кенгаш таркибига жами 183 депутат кириди. Мамлакат Президенти Александр Ван дер Беллен 20 октябрь куни Халқ партияси раиси Себастьян Курцга янги ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини беришини билдирди.

Австрияда бўлиб ўтган навбатдан ташқари парламент сайловларида сайловчиларнинг 67,6 фоизи, ёки 4,3 миллион киши қатнашган. Ўтган сафар бу кўрсаткич 75 фоизга яқин бўлган эди.

КИРГИЗИСТОНда ўтказилган президентлик сайлови натижаларига кўра, Сооронбай Жээнбеков ғолиб бўлган. Киргизистон президенти ва Жўкорги Кенеш депутатлари сайлови ҳақидаги конституциявий қонунга кўра, Марказий сайлов комиссияси овоз бериш жараёнидан сўнг 20 кундан кечиктирмаган ҳолда (4 ноябрь) давлат раҳбари сайлови натижаларини аниқлайди.

Сайловда иштирок этган барча фуқароларнинг ярмидан кўпроқ овозини биринчи турда олган номзод сайланган ҳисобланади. Сайлов натижалари расмий эълон қилинган кундан бошлаб 30 календарь кун ичида сайланган президент (натижалар

шубҳа остига олинмайдиган бўлса — 4 декабрга қадар) Жўкорги Кенеш депутатлари иш-тирокида давлат тилида Киргизистон халқига қасамёд қилади. Марказий сайлов комиссияси сайланган президентни рўйхатдан ўтказди ва лавозимга киришиши чоғида президент сифатида сайлангани тўғрисида гувоҳнома, кўрак нишони ҳамда байроқ топширади.

ЯПОНИЯнинг Либерал-демократик партияси ва Комэйто партияси тузган коалиция 22 октябрда Япониядаги парламентнинг кўп палатасига сайловларда депутатлик мандатларининг учдан икки қисmini кўлга киритиб, ғолиб бўлди.

Либерал-демократик партия кўп палатадаги 465 ўридан 281 тасини олган. Унинг коалиция бўйича ҳамкори бўлган Комэйто партияси 29 ўрин олган. Мамлакат конституциясига ўзгартириш киритиш учун икки палатанинг умумий депутатларининг учдан икки қисми қарори зарур, шундан кейин референдумга қўйилади.

Сайловларда, шунингдек, сентябрь охирида ташкил этилган «Ўмид партияси» 49 та ўрин, «Конституциявий демократик партия» 51 ўрин олган.

Парламент кўп палатасидаги 465 ўринга ҳаммаси бўлиб 1180 номзод даъвогарлик қилган.

Парламент кўп палатасига сайловларда илк бор 18 ёшли фуқаролар ҳам иштирок этди. Шу пайтгача сайловларда иштирок этишга 20 ёшдан бошлаб рухсат берилар эди.

Интернет материаллари асосида Нурали ОРИПОВ тайёрлади.

Реклама ўрнида



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: ЯНГИ ИККИ ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАСИ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг муҳим омилга айланмоқда. Бунини Қорақалпоғистонда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Яқинда Чимбой ҳамда Қораўзак туманларида тикувчилик корхоналарининг очилиш маросимида ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан банклар тизимини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида бир қатор фармон ва қарорлар эълон қилиниб, ижроси таъминланмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг эълон қилиниши соҳа янада ривожланишида дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ўз фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида Ташқи

иқтисодий фаолият миллий банкининг Чимбой филиалидан 1 миллиард 300 миллион сўм кредит олдик, — дейди «Амангелди Мехрибан» маъсулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Гулбахор Ешмуратова. — Молиявий кўмак ҳисобига туман марказида тикувчилик корхонасини ташкил қилдик. Натижада 50 нафар хотин-қизни иш билан таъминладик. Уларнинг кўпчилигини коллеж бичирувчилари ташкил этади. Фаолиятимизни йўлга қўйишда Наманган вилоятидаги тадбиркор шерикларимиз ҳам



бизга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Уларнинг кўмагида замонавий костюм-шимлар тикмоқдамиз. Маҳсулотларимиз Чимбой тумани ва Нукус шаҳри бозорларида хариддоргир. Келаси йилдан маҳсулотларимизни чет давлатларга ҳам экспорт қилмоқчимиз. Шунингдек, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб,

қўшимча янги иш ўринлари яратишни ҳам мақсад қилиб қўйганмиз. Биз тадбиркорларга яратилаётган имтиёزلардан фойдаланиб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Маълумотларга кўра, Қораўзак туманида бугунги кунда 51

мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Жорий йил бандлик дастурига кўра, 2 050 янги иш ўрни яратиш режалаштирилган, ўтган 8 ойда 1 577 янги иш жойи барпо этилди. Туманининг «Ата макон» маҳалла фуқаролар йиғинида 3 402 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла фуқаролар йиғинида

яқинда «Ўзмилийбанк»нинг молиявий ёрдами туфайли янги тикувчилик корхонаси ишга тушди.

Тумандаги «Шамшир гарон эффект» маъсулияти чекланган жамияти раҳбари Фаррух Расулов бўш турган иморатни таъмирлаб, 30 нафар хотин-қизни иш билан таъминлашга эришди.

— Ўз фаолиятимизни бошлаш учун банкдан кредит олдим, — дейди **Жамият раҳбари Фаррух Расулов**. — Хитой, Германия ва Японияда ишлаб чиқарилган замонавий тикув машиналарини олиб келиб, иш бошладик. Бизга ёрдам берган ва қўллаб-қувватлаган банк ходимлари ҳамда туман ҳокимиятидан миннатдоримиз. Чунки биз Бухоро вилоятидан келиб, ўз тадбиркорлигимизни йўлга қўйдик. Келажакда иш фаолиятимизни янада кенгайтириб, 200 ўринга мўлжалланган тикув фабрикасини ташкил этмоқчимиз.

— Ўтган йили коллежни бичириб, муқим иш жойи қидириб юргандим, — дейди **Қораўзак тумани «Кутли макон» маҳалла фуқаролар**

йиғинида истиқомат қилувчи Анжела Караматдинова. — Туман бандликка кўмаклашиш бўлимига мурожаат қилдим. Улар мендан қандай хуналарни биласиз, шунга қараб иш топиб беришга ҳаракат қиламиз, дейишди. Мен тикиш-бичишни билишимни айтганимда, улар яқинда ишга тушган корхонага ишга жойлаштишимга кўмак беришди. Бундан жуда хурсандман. Дарвоқе корхона ишга тушиши билан мен сингари кўплаб хотин-қизлар муқим иш ўрнига эга бўлишди. Эндиликда оиламизга моддий жиҳатдан фойдамиз тегишини ўйлаб, қувончим ичимга сиғмаяпти.

Бугун ҳар қандай тадбиркор иш бошламоқчи бўлса, банклар томонидан кредит олиши мумкин. Фақат бизнес режа пухта бўлса, ҳалол меҳнат қилинса, бас. Бир сўз билан айтганда, бугунги тадбиркорга барча имкониятлар яратиб берилган.

Тоштемир Худойкулов, Мнажатдин КҮТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Ҳозирги кунда дунёда ажримлар сони ҳам ортиб бормоқда. Масалан, АҚШда никоҳларнинг 40% бузилиб кетмоқда. Айрим мамлакатларда эса...

ЎЗБЕКИСТОН — ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАТАНИ

Бу ҳақиқатни Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтган халқаро анжуманда Туркия ва бошқа хорижий мамлакатлардан келган олимлар эътироф этишди.

Ислом цивилизациясининг маҳсули бўлган илк мас-жидлар араб дунёсида бунёд этилганлиги барчамизга маълум. Диний ва дунёвий илм даргоҳлари — мадраса олиялар дастлаб қаерда пайдо бўлган? Олий таълим ватани рутбасига сазовор бўлиш қайси маърифатли миллатга, улуг мамлакатга насиб этади?

Фахр-ифтихор билан айтишимиз керакки, илк олий таълим масканлари Ўзбекистон замида барпо этилган.

Бугун инсониятга илм-маърифат зиёсини таратаётган университет, институт, академияларнинг илдизи Ўзбекистонга, Самарқандга келиб тақалиши, дунёга Ибн Сино, Беруний, Фарғоний, Марғиноний, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобурларни берган миллат ва мамлакат олий таълимнинг бешиги бўлгани ҳар биримизга гурур бағишлайди.

Самарқанд давлат университетида Туркия Республикасининг Хамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА)нинг молиявий кўмаги билан Муғла Ситки Кочман университети, Ҳожи Бектош вали номида маданият жамияти ва Дунё сўз академияси хамкорлигида ташкил этилган «Урта асрларда Самарқанддаги мадраса олияларнинг Ислам цивилизацияси ва таълим тизими тарққийдаги роли» мавзусидаги халқаро конференция Улуғбек мадрасаси ташкил этилганининг 600 йиллигига бағишланди.

Ушбу конференцияга дунёнинг 8 мамлакатидан, жумладан, Туркия, Россия, Германия, Қирғизистон, Қозғистон ва Озарбайжондан келган 40 дан ортиқ олим, тадқиқотчи ва соҳа мутахассислари иштирок этди.



Шу ўринда биргина алгоритм тушунишнинг фанга киритган буюк юртдошимиз ал-Хоразмийнинг хизматларини эслаш киёф, деб ўйлайман. Шу билан бирга, ана шу мадрасалар тизими ва буюк олимларимизнинг изланишлари билан Ислам динининг асосий моҳиятини ташкил этувчи инсонпарварлик ва бағрикенглик ғоялари дунёда кенг тарқалган.

Бу ҳақда сўз кетганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидаги қуйидаги жихатга эътибор қаратиш ўринли, деб ўйлайман. ...Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз... Ислам дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади...

Ислам цивилизациясининг таълим тизими тарихида, шубҳасиз, Амир Темури ва Темурийлар даври мадрасалари муҳим ўрин тутди. Илм-фан ва ҳунармандчилик ҳомийси Соҳибқирон ўзига қурдирган макбаранинг ёнида мадраса бунёд этгани ҳаммамизга яхши маълум. Унинг набираси, шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек Самарқандни ҳозирнинг табиий ва

Хармандарга, Ҳожи Бектош вали номидаги маданият жамияти раиси жаноб Мустафа Ўзживанга, Дунё сўз академияси Президентига жаноб Хайреттин Ивгинга университетимиз жамоаси номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Наҳийе ЙИЛДИЗ,
Ҳозирги университетнинг ҳозирги туркий тиллар ва адабиётлар кафедраси профессори (Туркия):
— Усмонлилар салтанатида мадрасалар олий ва ўрта махсус ўқув юртлири мақомида эди. Биринчи Усмонли мадрасаси Ўрхон Ғозий томонидан 1330-1331 йилларда қурдирилган Ўрхония мадрасаси бўлиб, у

Изникда фаолиятини бошлаган. Кейинчалик Бурса, Эдирне ва Истанбулда барпо этилган. Қонья ва бошқа шаҳарлардаги мадрасаларда исломий ёки дунёвий билимлар берилган. Бу мадрасаларда Анадолу худудидан етишиб чиққан олимлар билан бир қаторда, туркий эллардан келган алломалар ҳам дарс беришган. XV асрда Самарқанд ҳам Туркистон минтақасининг энг муҳим маданият марказларидан бири эди. Анадолу ва Самарқанддан етишиб чиққан олимлар туркий дунёнинг шарқий ва ғарбий соҳиллари ўртасида маданият кўпригини барпо этишган. Самарқандда таълим-тарбия олган Улуғбек Мирзонинг шоғирларидан бири улуг математик, астроном Али Қушчи Истанбулда, математика ва фазо билимлари устаси Мулла Фенарийнинг шоғирди Қозизода Румий (Муса паша)нинг эса Самарқандда Улуғбек расадхонасида ишлагани ҳам юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Самарқанд ва Бухорода таълим олган буюк олим Анадолуга келганидан кейин ўзини тамоман иршод ишларига бахшида этган Шайх Али Самарқандий, аввал Бурсадаги Чалабий Мехмет мадрасасида, кейинчалик Истанбулдаги Зейрек мадрасасида дарс берган Алоуддин Тусий ҳам ўзaro алоқаларни янада мустаҳкамлашга муносиб хисса қўшган эди. Анадолудан етишиб чиққан Камол Умийи каби тасаввуф олимнинг Ўзбекистонда машхур бўлиши, Усмонли мадрасаларида ҳадис илми Имом Бухорий асарлари асосида ўқитилиши — бу халқларимизнинг илм ва ирфон йўлидаги нуқтаи назари ҳамоҳанг бўлиб келганини кўрсатади.

Хайреттин ИВГИН,
Дунё сўз академияси Президенти (Туркия):

— Бурсалик Қозизода Румийнинг асл исми Селахаддин Муса Беше Мехмет бин қози Мехмет Эфендиридир. Туғилган жойи ва ери тортишувлидир. Туғилган жойи хусусида барча манбалар Бурсага ишора этади, туғилган йили манбаларда турлича кўрсатилган. Вафот этган ерининг Самарқанд экани мутлақо аён.

Қозизода Румий 1407 йилларда Шарқ ўқуларига ривожланган аниқ фанларни ўрганиш учун Бурсани тарк этиб, аввал Хуросонга, кейин 1410 йили Самарқандга боргани маълум. Уша пайтлар Амир Темури вафотидан кейин ҳокимият унинг ўғли Шохрух Мирзога ўтган давр эди. Шохрух Самарқандни назорат қилишни ўғли Улуғбекка топширади. Қозизода Румий илм-фан соҳасида ҳам Улуғбекнинг хизматида бўлди, Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг 1417 йили олий таълим муассасаси сифатида қурилишига бош қўшди.

1420 йили мадраса қурилиши туғалланган, Улуғбек Мирзо 60 нафар олимни, жумладан, Қозизода Румий, ал-Коший, Ғиёсиддин Жамшидни бу

таълим даргоҳига мударрис қилиб тайинлади. Қозизода Румий Самарқанд мадрасасида ҳам ишлай бошлади, ҳатто Ғиёсиддин Жамшид вафотидан кейин расадхона мудирлиги ҳам унга топширилди.

Авалло, Бурсадаги илмий тадқиқотлари, сўнгра Самарқанддаги изланишлари натижаси ўларок, у астрономия, математика, геометрия фанларида жуда қимматли асарларни яратди, Али Қушчи, Фатхуллах Ширвоний каби машхур олимларни тарбиялади.

Самарқанд давлат университети машхур Улуғбек мадрасасининг воқисидир. Шу туйғайли мазкур илмий анжуманнинг СамДўда ўтказилиши рамзий маънога эга.

Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ,
Самарқанд давлат университети филология факультети декани:

— Конференцияда юртимиз ҳамда муслмон дунёсидаги мадрасалар тарихига оид маълумотлар келтирилди. Қатнашчиларнинг яқдид фикрига кўра, Ислам дини Арабистон ярим-орилида вуҷудга келиб, Евроосий ва Африканинг катта қисмига ёйилганидан кейин, мадрасалар ёрдамида унинг моҳиятида ётган улкан маънавий-маърифий салоҳият ва умумбашарий ғоялар кенг тарғиб этилган.

Конференциянинг шўъбаларига эътибор қилинса, улар мадрасаларнинг тарихи, мадрасаларда берилган таълим ва дарс ўқиш услуби, мадрасалар тизимининг фан, маданият, таълим ва адабиётнинг ривожига қўшган хиссаси, Самарқанднинг мадраса олияларидаги илмий билимларнинг ислом дунёсига тарқалиши, Туркистон минтақасидаги адабий тилларнинг тарққийдаги мадрасаларнинг ўрни, мадрасалар ва ислом меъморчилигининг ривожига, мадрасалар ҳамда эътиқод, фикр-тушунчалар ҳамда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар каби масалаларга жиҳидий эътибор берилганини аниқлаш қийин эмас. Самарқанддаги мадраса олияларнинг Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Волгабуйи ва Сибирь, Кавказ минтақаси учун мударрислар тайёрлашдаги роли ҳам алоҳида муҳокама этилди. Бу ўз навбатида муслмон жамиятлари тарихида юз берган барча ижобий ўзгаришларнинг бошланғичи ва сабаби таълим тизими, биринчи навбатда, мадраса олиялар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Мадрасаи олияларнинг ислом дунёси бўйлаб тарқалишида Туркистон ва Анадолу ўртасидаги маърифий, илмий алоқаларнинг ўз ўрни бор. Германиялик тадқиқотчи Абдулрахмон Гүлбейз Туркиянинг Мордин шаҳридаги мадрасаларда Туркистон мадрасаларининг аъналарига давом эттирилгани, айнқса, Мордин тиббиёт мадрасасида Ибн Сино асарлари кенг ўқитилгани ва унинг амалиётлари ўргатилгани ҳақида ёзади.

Гулнур НАБИУЛЛИНА,
Бошқирдистон педагогика университети доценти (Россия):
— X-XIII асрлардаёқ Ўрта Осиёда мадраса аънаси кенг ёйилган эди. Уфалик олимлар К. Даутова ва И. Хаматов таъқиқлаганидек, ўрта асрлар Шарқ фани ва маданиятининг ривожига Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда яшаган халқлар катта роль ўйнади. «XVI аср ўрталаридан бошлаб Бошқирдистонда янги мадрасалар очилади, диний-дунёвий таълим йўлга қўйилади», деган қарашни илгари суради. Академик Гайса Хусанов Риза Фахретдиновнинг Уфадаги илмий ариҳида сақланаётган «Мадраса ва мактаб» асарига таяниб Бирск уездидagi Суюн-дах (1702), Стерлитамак уездидagi

Ситирман (1713), Оренбург яқинларидаги Стерлибашево (1720), Каргалы (1740), Бирск уездидagi Тазларово (1767) қишлоқларида йирик мадрасалар очилганини қайд этади. Улар орасида Стерлибашево мадрасаси Волга-Урал, Қозғистон ва Ўрта Осиё минтақасида машхур эди. Ўрта асрларда, шўро замонида ва бугунги кунда ҳам Бошқирдистон ва Ўзбекистонни жуда кўп ришталар боғлаб турибди. Масалан, муфтий, Бошқирдистон муслмонлари диний идораси раиси Нурмухаммад Нигматуллин Бухородаги «Мир Араб» мадрасасида ўқиган. Мадрасани битиргач, у имом Бухорий номидаги Тошкент олий институтига қабул қилинади. Россия муслмонлари диний идорасининг раҳбари, муфтий Талъат Тождудин ҳам Бухородаги «Мир Араб» мадрасасининг битирувчиси.

Кишимжан ЭШЕНҚУЛОВА,
Туркия-Манас университети адабиёт факультетининг фалсафа бўлими доценти, (Қирғизистон):

— IX-XII асрлар Ислам цивилизациясида илмий ва фалсафий тарққийёт юқори чўққига чиқди. Бу даврда шаклланган илмий ва фалсафий фанлар ривожига кейинги асрларда ҳам ўзига хоcлигини сақлаган ҳолда давом этган. Бунга мисол тариқасида Усмонли империяси ва Темурийлар салтанатида давом этган илмий изланишларни келтириш мумкин.

Темурийлар давлати Ислам цивилизациясида илмий ва фалсафий ривожланиши таъминлаб берган буюк салтанат сифатида тарихга муҳрланди. Бу салтанатнинг илм-фан марказига айланишида Амир Темурийнинг буюк хизматлари бор. У қадами етган ҳар бир минтақа ва ўлкадан олимлар, тарихчилар, моҳир ҳунармандларни саройига даъват этиб, ўз ҳимоясига олган. Натижада темурийлар салтанатининг икки муҳим маркази — Самарқанд ва Хиротда бир-биридан фарқли илм-фан, маданият ва санъат марказлари шаклланди. Бу фарқ ўша даврдаги давлат арбобларининг дунёқарashi, эътибор берган фан соҳалари, ҳаёт тарзлари билан алоқадордир.

Хирот шаҳрида Шохрух Мирзо ва Бойсунгур Мирзонинг қўллаши туйғайли ахли суннат чизгисидagi диний билимлар, адабиёт ва санъатга алоқадор илм-фанлар, Самарқандда Амир Темури ва Мирзо Улуғбек даврида Хиротдагидан фарқли ўларок, табиий ва фалсафий фанлар ривожланган. Самарқанд, айнқса, Улуғбек даврида табиий фанлар, астрономия ва математика соҳасида энг юксак нуктага қўтарилди. Улуғбекнинг ўзи бу соҳаларда яхши таълим ва тайёргарликка эгалиги, болалик йилларида оқ олимлар мажлисларида уларнинг тортишувларига гувоҳ бўлгани, олимларга буюк ҳурмат-эътибор кўрсатиши қисқа фурсатда Самарқанднинг ўрта асрларнинг энг муҳим илм-фан марказига айланишига олиб келган.

Натижада Самарқандда бизнинг давримизгача етиб келган, ўрта асрлардаги Ислам маданиятининг буюк обидалари бўлиши Улуғбек мадрасаси ва Самарқанд расадхонаси вуҷудга келган.

Конференцияда қардош ўлкалардан келган олимлар СамДў кутубхонасига ва филология факультети талабаларига 400 дан зиёд китоб ва ўқув қўлланмаларини ҳадя этдилар. Конференциянинг маданий дастуридан ўрин олган Самарқанд ва Бухоро мадрасаларига ва тарихий-маданий обидаларига зиёрат меҳмонлари жуда тўлқинлантирди. Улуғбек ва Қозизода Румийнинг, Али Қушчи ва ал-Кошийнинг оёқ излари қолган ва назарлари тушган мадрасаларда ва Улуғбек расадхонасида сайр қилганларнинг қалбида жўш урган туйғуларни сўз билан ифодалаш қийин...

Мухтасар айтганда, биз буюк аجدларимиз қолдирган маданий ва маърифий мерос билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин бугунги дунёда фақат шунинг ўзи етарли эмас. Биз улуг алломаларимиз томонидан яратилган дунёнинг турли музейларида сақланаётган асарлар тарихи билан қизиқишимиз, уларни таҳлил этишимиз, бу эзгу ишларни бажаришда дунё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилишимиз, дўстлик, қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашимиз зарур. Самарқанд давлат университетида ўтказилган халқаро анжуман ҳам шу йўлда ташланган муҳим қадамдир.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон Миллий маданият марказида мазкур давлат мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан «Оловли замин парчалари» номли кўргазма иш бошлади. Унда Озарбайжонда қўл меҳнати орқали тайёрланган гиламлар намоиш этилмоқда. Тадбирда маданият ва санъат олами вакиллари ҳамда ҳунармандлар иштирок этди.

ОЗАРБАЙЖОН ГИЛАМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

— Мазкур кўргазма Озарбайжоннинг бой маданияти, гиламдўзлик санъати билан ўзбекистонлик қардошларимизни қуқурроқ таништириш имконини беради, — дейди Озарбайжон Миллий маданият маркази директори Самир Аббосов. — Гиламларимиз, озарбайжон халқининг ташриф қоғозидир. Чунки унда юртдошларимизнинг ҳаёти, турмуш-тарзи, маданияти, тарихи, мамлакатнинг тақдорларимиз ёрқин табияти: мовий осмони ва яшил ўрмонларини, оппоқ қорли тоғлари, кузнинг олтин нафасини акс эттирган, бутун гўзаллигини ўзида жам этган.

Ўзбек халқи Озарбайжон маданиятини ўзига яқин деб билади. Бунинг сабаби, маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимиз, тарихимизда ўхшашлик ва яқинлик кўзга ташланади. Икки халқнинг ўзарo дўстлик асосида қурилган муносабатлари, бугунги кўргазмада ташкил этишга имкон берди.

Жорий йилда Озарбайжондаги гиламлар музейи иш бошлаганига 50 йил тўлди. Бугунги кунга келиб, ушбу давлат гиламлари дунёнинг кўплаб мамлакатлари музейлари, саройларининг қимматбаҳо экспонатлари сафидан ўрин олган. Бунга АҚШдаги Оқ уй ва Давлат департаменти, Нью-Йорк Метрополитен музейини, Бостон ва Филадельфиядаги санъат музейини, Франциядаги Лувр, Англиядаги Виктория ва Альберт, Россиядаги Эрмитаж музейини мисол сифатида келтириш мумкин.

— Гиламдўзлик санъати жуда ҳам мураккаб ва қадимий санъат, — дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова. — Ушбу санъат тури ҳақида сўз юритилганда, энг аввало кўз олдимизга бетакрор озар гиламлари келади. Чунки мазкур мамлакат гиламлари дунёга машхур бўлиб, ўз тарихи, ўз фалсафаси бор. Ўйлайманки, юртимизда мазкур кўргазманинг очилиши икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни янада яқинлашувига ҳамда Озарбайжон гиламларининг сирларини чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори:

— Ўзбекистон мутафаккири, машоҳх, олим ва шоирлар юрти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз қадим-қадимдан жаҳон илм-фани ва маданиятининг муҳим марказларидан бири бўлиб келган. Кўп йил мобайнида Самарқанд давлат университетида самарали меҳнат қилган, навийшунослик мактабини яратган улуг алломалар, академик Ботурхон Валихўжаевнинг тарихий манбаларга таянган ҳолда маълумот беришча, Ислам цивилизациясида мадрасалар ташкил этиш ва ривожлантириш аънаси, энг аввало, Самарқандда шаклланган. IX-X асрлардаёқ Самарқандда 17 мадраса фаолият олиб борган. Шулардан бири Работи Ғозийён бўлиб, у жаҳонда энг қадимий мадрасадир. Кейинчалик бу аънаа Мовароуннахрдан Хуросонга, Хуросондан Анадолуга, у ердан араб ўлкалари (Миср)га, у ердан шимолий Африка орқали Европага — Андалусияга қадар тарқалганини биламиз. Ўрта асрлардаги мадрасалар — Ислам цивилизациясини ҳаракатга келтирувчи куч, унинг шухратини ва куч-қудратини дунёга ёйган муҳим ижтимоий ва илмий-таълимий механизм бўлган. Уларда тарбияланган олимлар антик дунёнинг илмий аънааларини ҳам ривожлантирган, ҳам бойитган. Бундан ташқари, илмий кашфиётлар қилган.

аниқ фанлар марказига айлантирган эди. Бундан 600 йил илгари қурилиш бошланган Улуғбек мадрасаси Ислам цивилизацияси ва илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган. Албатта, бу бошланиши эди. Шундан кейин Кўҳак тепалигида Улуғбек обсерваторияси барпо этилди. Бир сўз билан айтганда, Улуғбекнинг илм-фан ва таълим мажмуаси ана шу тариқа шаклланган.

Уша пайтларда Улуғбек мадрасасини битириб чиққан олимлар дунёнинг қатор мамлакатларига бориб, Самарқандда эгаллаган билим ва орттирган тажрибаларини жаҳонга ёйди, янги-янги мадрасалар ва илмий аънааларга асос солдилар. Ана шулардан бири машхур математик ва астроном Али Қушчи бўлиб, у Истанбулдаги биринчи — Султон Мехмет Фотиҳ мадрасасининг мудариси бўлган эди. Шунинг учун ҳам мазкур конференцияни туркиялик қардошларимиз билан ташкил этдик. Юқори илмий-назарий савияда ўтган ушбу анжуманни ташкил этилишида биз билан яқиндан ҳамкорлик қилган ТИКА раиси ўринбосари жаноб Мехмет Сурейя Эрга, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият атташеси жаноб Жесим Чалабийга, ТИКАнинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Али Ихсан Чағларга, Муғла Ситки Кочман университети ректори жаноб Мансур

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxonaga manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1038

8881

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 01:00

Topshirilgan vaqti — 02:35

Sotuvda kelishilgan narsada

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 5 6



O'ZBEKISTON

XALQ DEMOKRATIK

PARTIYASI

MARKAZIY KENGASHI